

шоҳалла

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНДАН ФЙДАЛАНИШ ТУГРИСИДА ШАРТНОМА

№ 1

Шахрисабз шаҳар

«20» январ 2022 й.

Шахрисабз ШЭТК (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Ўзининг низомасосида иш юритувчи И.Бекмаматов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Шахрисабз шаҳар Махалла ва Оилани куллаб-куватлаш булими (корхона, ташкilot, муассаса номи), кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади, Ўзининг низоми асосида иш юритувчи А. Султонов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МОХИЯТИ

1.1. Ушбу шартнома буйича "Таъминотчи" "Истеъмолчи"нинг буюртманомасига мувофиқ уланган тармок оркали электр энергияси етказиб беришни уз зиммасига олади, "Истеъмолчи" эса мазкур шартноманинг 1-иловасида белгиланган кувватдаги электр энергиясини қабул олиш ва илова килинадиган жадвал асосида бюджетда ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳақ тулашни уз зимасига олади.

1.2. Бюджет ташкilotининг йил давомида смета харажатларига киритиладиган узгаришлар доирасида хизмат курсатувчи, хизмат олувчилар томонидан узаро келишилган ҳолда шартнома суммасига узгартиришлар киритишга ҳақлидирлар.

1.3. Фойдаланадиган электр энергиясининг йиллик ҳажми 53331 кВт.с ташкilot килади.

II. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Истеъмолчи"нинг ҳуқуқлари:

а) "Таъминотчи"дан шартномада курсатилган микдордаги электр энергиясини электр тармоқларининг булиниш чегарасига етказиб беришни;

б) электр тармоқларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсаткичларини шартнома ва стандартларда белгиланган микдорда сақлашни;

в) электр энергияси истеъмолининг ойлик шартномавий микдорини чораклик микдор доирасида жорий чорак мобайнида 2 марта (1- ва 2-ойларда улар тугагунгача 10 кундан кечикмай) қайта тақсимланишини "Таъминотчи"дан талаб қилишга ҳақлидир.

г) электр тармоқларининг булиниш чегарасида зарур сифатга мувофиқ булмаган электр энергияси етказиб берилганда "Истеъмолчи" уз хошига кура;

муддатлар бузилган ёки зарур сифатга мувофиқ булмаган ҳолда етказиб берилган электр энергиясини қабул қилишни ва ҳақини тулашни рад этишга

г) "Таъминотчи"дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни, бой берилган фойдани қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

2.2. "Истеъмолчи"нинг мажбуриятлари:

а) Ҳисобга олиш жойи электр тармоқларнинг "Таъминотчи" билан баланс мансублиги буйича булиниш чегарасига утказилсин (истеъмолнинг ҳисобга олиниши булиниш чегарасида амалга оширилмаган вазиятларда);

б) электр тармоқлари, асбоб ускуналарининг тегишли техник ҳолатини ва ҳавфсизлигини таъминлаш;

в) электр энергиясини истеъмол қилишнинг урнатилган тартибига риоя қилиш ҳамда электр энергиясидан фойдаланишда юзага келадиган авариялар, ёнгинлар, электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларидаги носозликлар ҳақида "Таъминотчи"га ҳабар бериш;

г) реактив энергия ишлаб чиқарувчи ускуналарнинг иш режимида риоя қилиш шартноманинг;

д) истеъмол қилинадиган электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари ва улардаги тағгаларнинг бутлиги ва сақланишини таъминлаш;

е) ишлатилган электр энергияси учун туловларни уз вақтида амалга ошириш.

2.3. "Таъминотчи"нинг ҳуқуқлари:

а) "Истеъмолчи"дан етказиб бериладиган электр энергияси учун олдиндан тегишли ҳақини тулашни ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда узил-қесил ҳисоб-қитобларни амалга оширишни;

б) шартномага ёки шартнома асосида берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган электр энергиясини қабул қилишни асоссиз рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни "Истеъмолчи"дан талаб қилишга ҳақлидир;

в) унинг вақили тегишли амал қилиш муддати билан шахсий гувоҳномаси мавжуд булганда электр ҳисоблагичларни куриб текширади;

г) маънавий жихатдан эскирган электр энергиясини индукцион ҳисобга олиш приборларини режа асосида Давлат текширувидан утқазмайди ҳамда УзР Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 512-сонли Қарорига мувофиқ уларни замонавий электрон ҳисоблагичларга алмаштирилишини талаб қилади.

2.4. Таъминотчининг мажбуриятлари:

а) қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу шартнома мажбуриятларини уз муддатда бажариланини таъминлаш;

б) «Истеъмолчи»га шартномада курсатилган микдордаги электр энергиясининг электр тармоқларининг булиниш чегарасига етказиб бериш;

в) электр тармоқларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсаткичларини шартнома ва стандартларда белгиланган микдорда сақлаш;

г) электр энергиясининг "Истеъмолчи"га узлуксиз ("Электр ускуналарининг курилма коидалари" 1.2.17-банди асосида) етказиб берилишини таъминлаш;

д) электр тармоқларини режали таъмирлашда электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин булган узилишлар тугрисида "Истеъмолчи"ни камида 3 сутка олдин огохлантириш;

е) электр энергиясидан асоссиз узишга йул куймаслик ва "Истеъмолчи"га электр энергияси беришнинг режадан ташкари тухтатилиши сабабларини хабар килиш;

ж) "Истеъмолчи"га электр хисоблагичларининг амалдаги норматив хужжатлар талабларига мувофик алмаштириш муддатларини хабар килиш;

ж) жорий этиладиган чеклашлар хакида чеклашнинг жорий этилиш хажми ва вақтини курсатган холда 0,5 кун олдин хабар килиш;

з) энергия тарифи узгарганда урнатилган тартибда "Истеъмолчи"га билдириш.

и) "Электр энергиясидан фойдаланиш коидалари"га (УзР Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сонли Карорига 1-илова), электр энергияси истеъмолчилари ва энергия таъминоти ташкилотлари уртасида хисоб-китоблар тартиби тугрисида Низомга (УзР Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли Карорига 2-илова) риоя килинсин.

III. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ НАРХИ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг тузилган вақтдаги умумий йиллик баҳоси 23998950 (Йигирма уч миллион туккиз юз туксон саккиз минг туккиз юз эллик сум 00 тийин) ташкил этади.

2021 йил жами	1-чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак		
	Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр
бюджет	7999650	7999650	7999650									

Электр энергияси тарифи бир ставкали, икки ставкали, табакалаштирилган ставкада белгиланади. (зарур булмагани учирлади)

Шартнома буйича етказиб бериладиган электр энергиясининг тарифлари бериллади.

3.2. Навбатдаги ой учун етказиб бериш назарда тутилган ресурслар хажмининг камида 30 фоиздан кам булмаган микдорида олдиндан _____ санасигача хак аванс тарикасида туланади, истеъмол килинган электр энергияси учун колган сумма 30 кун мобайнида тулик тулаб бериллади.

3.3. Етказиб берилган электр энергияси учун тулов пул утказиш йули билан хисоб-китоб килинади. I (хисоб-китоб килиш шакли курсатилади)

3.4. "Истеъмолчи"нинг айби билан шартномада курсатилган хажмларга нисбатан электр энергияси кам истеъмол килинганда туланган аванс маблаглари кайтарилмайди, балки истеъмол килинган электр энергияси учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

3.5. "Истеъмолчи" хар ойда булиниш чегараларида урнатилган хисобга олиш приборлари курсаткичларини ёзиб олади. Ушбу курсаткичлар асосида ўлчов трансформаторлари коэффициентларини хисобга олган холда истеъмол микдори ва фойдаланилган электр энергияси учун тулов суммаси аникланади.

Белгиланган шаклдаги хисобот "Таъминотчи"га 28-санасига муддатда юборилади.

3.6. Хисоб-китоб электр хисоблагичи бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган такдирда электр тармогининг баланс бўйича тегишлилик чегарасидан электр хисоблагич ўрнатилган жойгача электр энергияси йўқотилиши микдори "Истеъмолчи" билан биргаликда хисоб-китоб йўли билан аникланади ва тулов учун "Истеъмолчи"га берилган фойдали электр энергияси билан жамланади.

3.7. Такдим этилган белгиланган шаклдаги хисоботга асосан "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га хисоб-фактура ёзиб беради. Хар хил тариф гуруҳига таалукли бир неча объектларга эга истеъмолчилар билан хисоб-китоблар хар бир тариф гуруҳига урнатилган хисобга олиш приборлари курсаткичлари буйича амалга оширилади, лекин шунинг билан бирга хар бир объект бўйича билиб кўрсатилган битта хисоб-фактура ёзиб бериллади.

Кисман (тулик хажмда эмас) хак туланганда, "Истеъмолчи" тулов хужжатида кайси тариф гуруҳлари буйича тулов биринчи навбатда амалга оширилаётганини курсатиши керак. Акс холда, "Таъминотчи" тариф гуруҳлари буйича карздорликни бартараф этиш навбатини мустикал белгилаш ҳукукига эга.

Электр энергияси истеъмоли хакида хисобот такдим этилмаганда, электр таъминоти ташкилоти шартномавий электр истеъмоли хажми буйича хисоб-китоб ойига кейинчалик амалда истеъмол шилинган электр энергияси буйича кайта хисоб-китоб килган холда хисоб-китобни амалга оширади.

Ортикча туланган маблаглар кайтарилмасдан аванс тулови тарикасида хисобга олинади.

3.8. "Истеъмолчи" томонидан тегишли ойга етказиб берилиши кузда тутилган электр энергияси хажми кийматининг 30 фоиздан кам (олдиндан тулов микдори курсатилсин, лекин 30 фоиздан кам булмасин) булмаган микдорида олдиндан тулов амалга оширилганда электр энергияси хар ойда етказиб бериллади.

Якуний хисоб-китоб эса 30 кун давомида (якуний хисоб-китоб муддати курсатилсин, лекин 30 кундан ортмасин) амалга оширилади. "Истеъмолчи" да электр энергияси учун 90 кундан ортик (муддати юқорида курсатилган) муддати утган карздорлиги мавжуд булганда, аванс тулови тарикасида туланган маблаглар муддати утган карздорликни бартараф этишга йўналтирилади ва аванс тулови тарикасида хисобга олинмайди.

"Истеъмолчи" бир неча тариф гуруҳига эга булса, у олдиндан тулов хужжатида тариф гуруҳи буйича электр энергияси суммаси ва ёки микдорини курсатиши керак. Акс холда, "Таъминотчи" тариф гуруҳлари буйича карздорликни бартараф

этиш навбатини мустикал белгилаш ҳукукига эга.

3.9. Узил-кесил ҳисоб китоб кўрсатилган муддатларда амалга оширилмаган тақдирда "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га электр энергия беришни тўхтатади (шартноманинг 5.5 бандида кўрсатилган "Истеъмолчи"лар бундан мустасно). Бир вақтнинг ўзига, "Таъминотчи" электр энергияси етказиб бериш далолатномаси асосида амалга оширилган тўловлар суммасини чишариб ташлаган ҳолда хизмат кўрсатувчи банк орқали ҳисобот ойда етказиб берилган электр энергияси суммасига акцепт билан тўлов талабномаси беради.

IV. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНИ КАБУЛ КИЛИБ ОЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Шартномада курсатилган мажбуриятлар шартнома шартлари ва конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар уз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Электр энергиясини етказиб бериш шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада курсатилган муддатлар ва ҳажмларда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади. "Таъминотчи" буюртманомаларни руйхатдан утказиш дафтарини юритади.

4.3. "Истеъмолчи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёки ундаги электр энергиясини етказиб бериш микдори ва санасини узгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Таъминотчи"ни буюртманомада курсатилган сана бошланишидан жорий ой тамом булишигача камида 10 кун олдин хабардор қилади.

V. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БЕРИШНИ ТУХТАТИШ ВА УЗИБ КУЙИШ ТАРТИБИ

5.1. Электр энергияси беришдаги узилишларга, электр энергиясини беришни тухтатиш ёки чеклашга томонлар келишувига мувофиқ йул қуйилади.

5.2. "Истеъмолчи" билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан, бироқ унта дархол хабар берган ҳолда электр энергияси беришни вақтинча узиб қуйиш, тухтатиш ёки чеклашга "Таъминотчи" тизимида авариянинг оддини олиш ёки уни тугатиш учун кечиктириб булмайдиган чораларни куриш зарур булган ҳолларда йул қуйилади.

5.3. Электр энергияси истеъмолининг белгиланган режими бузилганда; шартномада назарда тутилган электр энергияси ҳажми кийматининг камида 30 фоизини олдиндан туламаганда; ҳисоб-китоб оyi тамом булгандан кейин 30 кун мобайнида истеъмол қилинган электр энергияси учун туланмаган қарзи мавжуд булганда;

"Истеъмолчи" электр энергияси тармоғига узбошимчалик билан уланганда ёки қувват шартномада келишилган микдордан оширилганда;

"Узстандарт" агентлиги органлари томонидан текширилган истеъмол қилинадиган энергияни ҳисобга олиш приборларига эга булмаганда;

"Таъминотчи"нинг вақили соат 8.00 дан 20.00 гача булган давр мобайнида ҳисоблаш приборларини куришга асосиз қуйилмаганда, "Таъминотчи" электр энергияси беришни тухтатиб қуйиш ҳукукига эга булади.

5.4. "Истеъмолчи"дан ҳисобга олиш прибори булмаганда ҳисобга олиш прибори "Истеъмолчи"нинг айби билан шикастланганда;

ҳисобга олиш приборларини ишга тушириш схемаси узгарганда ёки ҳисоблагичдан ташқари нағрузка уланганда; фойдаланилган электр энергияси учун ҳақ белгиланган муддатларда туланмаганда "Истеъмолчи" 1 кун олдин огохлантирилиб электр энергияси тармоғидан узиб қуйилади;

5.5. Электр энергиясини узиб қуйиш техноген ва авария оқибатларига олиб келиши мумкин булган, алоҳида ҳавф ва узлуксиз технология жараёнга эга булган (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1-ноябрдаги Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тугрисида" ги 511-сон Қарор низомининг 1-илбвасидаги руйхатга киритилган) истеъмолчиларнинг гулов муддати утган қарзлари вужудга келган тақдирда ҳақи туланмаганлиги учун электр энергияси берилишини чеклаш, белгиланган тартибда энергия билан таъминлашнинг технологик ва аварияли бронгача, тулик узиб қуйиш эса факат суд қарорига қура амалга оширилиши мумкин. "Таъминотчи" ва "Истеъмолчи" томонидан имзоланган технологик ва аварияли брони далолатномалари шартноманинг узвий қисми ҳисобланади.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Электр энергияси етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, 5 фоиздан қуп микдорда электр энергияси етказиб берилмаган ҳолларда "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бироқ пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган электр энергияси кийматининг 50 фоизидан ортик булмаслиги керак. Пеня туланиши "Таъминотчи"ни шартноманинг зарур даражада бажарилишидан ва электр энергияси етказиб бериш кечиктирилганлиги ёки тулик етказиб берилмаганлиги туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.2. Етказиб берилган электр энергияси ҳақини уз вақтида туламагани учун "Истеъмолчи" "Таъминотчи"га утказиб юборилган ҳар бир кун учун тулов суммасининг 0,4 фоизи (маҳсус тартибга қура электр энергияси бериладиган қорхоналар учун 0,2 фоиз) микдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортик булмаган микдорда пеня тулайди.

6.3. "Истеъмолчи"нинг тақлифига қура мулжалланаётган узгартиришларгача 10 кундан кеч булмаган муддатда киритилган электр энергиясининг шартномадаги ҳажмларининг узгартирилиши электр энергиясини қам олиш ёки ортика олиш деб ҳисобланмайди.

6.4. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

7.1.Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда томонлар, коидага кура уларни судгача хал этиш юзасидан тегишли чораларни курадилар.

Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга муурожаат килишга ҳам хақлидир.

7.2.Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул куйилмайди, конун хужжатларида белгиланган холлар бундан мустасно.

VIII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

8.1. Томонлардан бири шартномани енгиб булмайдиган куч, яъни фавкулотда ва муайян шароитларда олдини олиб булмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошқини, ва бошка табиий офатлар) (форс-мажор) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар булмайд.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШИ

9.1. Шартноманинг амал килиш муддати 2022 йил «20» январдан 2022 «31» декабрьгача.

9.2.Мазкур шартномага узгартиришлар (кушимчалар) томонлар имзолаган пайтдан кейин бажарилиши керак.

9.3.Мазкур шартномага хар кандай узгартириш ва кушимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан хақикий хисобланади.

9.4. Тарафлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган тақдирда тўхтатилади.

9.5. Томонлар уртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган тақдирда тўхтатилади.

X. ЯКУНИЙ КОИДАЛАР

10.1.Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кура ёки бошка томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби буйича суд тартибиде бекор килиниши мумкин.

10.2.Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, томонларнинг хар бирига бир нусхадан колдирилади. Шартноманинг хар иккала нусхалари тенг юридик кучга эга.

XI. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Таъминотчи»
Шахрисабз ШЭТК

(таъминотчининг номи)

Манзил: Шахрисабз шаҳар И.Йули № 102

Тел/факс 522-77-46

X/B 22636000800177786349

Банк номи: Ат Саноат курилиш банк

МФО 00854 ИНН 200666494

ОКОНХ

Рахбар



Т. Тошев
(Ф.И.Ш.)

(Имзо)

М.Ў.

Ушбу 2022 йил «20» январдаги № 1 сонли Шахрисабз ШЭТК билан Шахрисабз шаҳар Махалла ва оилани куллаб кувватлаш булими уртасида тузилган шартнома Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 21 августдаги 670-1 сонли «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тугрисида»ги Конуни талабларига мос келади

Хуқуқшунос:



(Имзо)

2022 йил 28 август

«Истеъмолчи»

Шахрисабз ш Махалла ва оилани куллаб кувватлаш булими

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Шахрисабз шаҳар И.Йули № 5

Тел./факс 522-22-67

ш/х* 100022860104057011401259001

бюджет маблағ олув ИНН 207319674 ОКОНХ

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
Газначилиги

Газна X/B **23402000300100001010**

Банк номи **Марказий банк Тошкент шаҳар бош**

Бошкармаси хисоб-китоб касса маркази

МФО **00014** Газначилик ИНН **201122919**

Рахбар

А. Султонов.
(Ф.И.Ш.)

(Имзо)



(Ф.И.Ш.)

2022 йил 28 август

2022 йил «20» январдаги
№ 1-сонли шартномага 1-сонли
Илова


Шахрисабз шаҳар электр тармоклари корхонаси томонидан 2022 йил давомида
етказиб бериладиган электр энергияси куввати

Ойлар	Улчов бирлиги	Микдори (КВТ)	Нархи	Суммаси
Январ	квт	17777	450	7999650
Феврал	квт	17777	450	7999650
Март	квт	17777	450	7999650
1-чорак жами		53331		23998950
Апрел				
Май				
Июн				
2-чорак жами				
Июл				
Август				
Сентябр				
3-чорак жами				
Октябр				
Ноябр				
Декабр				
4-чорак жами				
Хаммаси		53331	450	23998950

Шахрисабз шаҳар электр тармоклари
бошлиғи:


(имзо) Т. Тошев
(И.Ф)
М.У.

Шахрисабз ш Махалла ва оила булими


(имзо) А. Султонов.
(И.Ф)



2022 йил 20-январдаги Шахрисабз шаҳар Махалла ва оилани куллаб қувватлаш бўлими ва Шахрисабз туман ТЭТ ўртасида 23998950 сум умумий суммасига тузилган 1-сон шартномага

ТЎЛОВ ЖАДВАЛИ

(*) Бўлим 7011 кичик бўлим 906 боб 259

Шахсий газна ҳисобварағи . 100022860104057011401259001

(сўмда)

2021 й ойлар номи	Харажатлар тури (бюджет таснифининг тегишли коди)				Жами
	42.21.000				
Январ	7999650				7999650
Феврал	7999650				7999650
Март	7999650				7999650
Апрел					
Май					
Июн					
Июл					
Август					
Сентябр					
Октябр					
Ноябр					
Декабр					
Жами йил бўйича	23998950				23998950

Жами 1350000 (Бир миллион уч юз эллик минг сум 00 тийин)

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан _____ сўм ёки шартноманинг умумий суммасидан 15 фоиз 2022 йил _____ ойида тўланиши лозим.

(*)- бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан газначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;


(**)-бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилди;

(***) - Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига 100 фоиз жорий ойнинг 25 санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назорда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).




Буюртмачи раҳбар

Буюртмачи бош ҳисобчи


(имзо)

А. Султонов.
И.Ф.О


(имзо)

К. Холикулов
И.Ф.О

Газначилик бўлинмаси

ходими қабул қилди

2022 й. « »

(имзо)

Бюджетдан маблағ олувчи
ходими қабул қилди

2022 й. « »

(имзо)